

Бувайда тумани 2-Вилоят

Ихтисослаштирилган Давлат Умумтаълим

Мактаб Интернати

Директори

А.Маҳсудов



19.10.2022 йил

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун**

## **ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Фаргона -2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- II. Техник қисм**
- III. Нархлар қисми**

## **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1. Танлов предмети: **2-ВИДУМИга картошка сотиб олиш**

1.картошка -6900 кг

2. 1 кг учун- 5100 сўм

1.2. Танлов қиймати : 35 190 000 (Уттиз беш миллион бир юз туксон минг) сўм.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил охиригача .

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1« БУВАЙДА ТУМАНИ 2-ВИДУМИ » (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлав ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили:, Фаргона Бувайда туман

Эл.адрес:

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов « БУВАЙДА ТУМАНИ 2-ВИДУМИ » “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтинослашган, юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуилади:

танлов предмети кийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фукаролик-муомала хуқукий лаёкат ва ваколатлар;

танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турғанлар; мол-мулки мусодара килинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар..

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

• Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

• Техник хужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

-факат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тутагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Конун талабарини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган карор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тушишга мажбурдир.

#### **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Щу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичida махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичida танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади